

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси раҳбари**

**№ 13771-хх**



**З. Низомиддинов**

2019 йил “19” июнь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида  
олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар  
ҳолатини ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида танқидий  
муҳокама қилишга бағишланган 5-сонли мажлис**

**БАЁНИ**

**Раислик қилувчи:** З.Низомиддинов - Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси раҳбари

**Иштирок этганлар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси  
А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
маслаҳатчиси ўринбосари О.Абдурахмонов,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси масъул  
ходимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари  
(*руйхат буйича*)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Республика олий таълим ва илм-фан муассасалари фаолиятини танқидий  
ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда ўрганиш натижаларини оммавий  
ахборот воситаларида ёритиб бориш тўғрисида**

---

(Низомиддинов, Абдувахитов, Абдурахмонов, Маджидов, Хаджаев, Низомиддинов)

**Қайд этилсинки,** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 24 май куни олий таълим ва илм-фан соҳалари вакиллари билан Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган учрашув чоғида берилган топшириқлар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда улар билан кенг жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида малакали мутахассислар ва мутасадди раҳбарларни жалб қилган ҳолда Ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, ҳар бир соҳа бўйича жойларда ўрганишлар ташкил этилмоқда. Мазкур жараёнлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилиб, натижада шу кунга қадар юзлаб видеолавҳалар намоиш қилинди ва ўнлаб танқидий-таҳлилий мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига асосан Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини ўрганиш бўйича ташкил этилган Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган таҳлилий материаллар асосида 2019 йил 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019/2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-4358-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан, хусусан, Университетни 9 та мақсадли дастурлар асосида ривожлантириш бўйича аниқ манзилли чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Шу билан бирга, ўрганишлар кўрсатмоқдаки, жойларда аксарият олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари орасида боқимандалик кайфияти ҳанузгача сақланиб қолинмоқда, улар ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасаларни замон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли режаларга эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ҳисоботлар ва билдирилган таклифларни атрофлича муҳокама қилган ҳолда, **йиғилиш қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдухакимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев), Фанлар академияси (Йўлдошев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов), манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарлари олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўрганиш натижаларини **1-иловага** мувофиқ тасдиқланган режа-графикка асосан:

Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган муассасалар бўйича –Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдухакимов бошчилигида;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган муассасалар бўйича –Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов ва тегишли ҳудуд раҳбари бошчилигида, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Ташкенбаев), Халқаро пресс-клуб (Кудратходжаев) иштирокида атрофлича муҳокама қилсин.

**Бунда ҳар бир муассасанинг меҳнат жамоаси иштирокида:**

- олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти, таълим-тарбия жараёни, ётоқхоналардаги аҳвол, илмий фаолият самарадорлиги, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси, ўқув-илмий лабораториялар, моддий-техника базаси ҳолати акс эттирилган махсус видеолавҳалар намойиш этилсин;

- олий таълим муассасалари бўйича – Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, илмий-тадқиқот муассасалари бўйича – Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ташкил этилган ўрганиш натижалари ва хулосалари эълон қилиниб, муҳокама қилинсин;



- намойиш этилган видеолар ҳамда ўрганиш натижалари ва хулосалари юзасидан олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг тушунтириш ва ҳисоботлари эшитилсин;

- олий таълим муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг аниқланган камчиликларни янги **2019/2020 ўқув йили бошланишигача** бартараф этиш, жорий йилнинг ҳамда янги ўқув йилининг охирига қадар **2-илова** билан тасдиқланган аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг намунавий кўрсаткичларига эришиш юзасидан қафолат хатлари олинсин;

- илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг аниқланган камчиликларни **бир ой муддатда** бартараф этиш, жорий ҳамда 2020 йилнинг охирига қадар **3-илова** билан тасдиқланган аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг намунавий кўрсаткичларига эришиш юзасидан қафолат хатлари олинсин.

**Мазкур топшириқлар ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишига масъул этиб – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов ва Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов белгилансин.**

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдухакимов **уч кун муддатда** Республиканинг барча олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон миллий университетининг жамоаси иштирокида 2019 йил 17 июнь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019/2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПП-4358-сонли қарорининг туб мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Р.Қосимов, А.Абдувахитов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарлари **4-иловага** мувофиқ тасдиқланган ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда **5-илова** билан тасдиқланаётган режа-графикка мувофиқ олий таълим муассасалари ректорларининг малакасини ошириш бўйича амалий семинарларни ташкил этсин.

#### **Бунда, амалий семинарлар давомида:**

- ректорларда стратегик режаларни ўз олдига қўйиш, олий таълим муассасасининг маҳаллий ва халқаро имиджини яхшилаш;

- таълим-тарбия жараёнларини тўғри режалаштириш;

- кадрларни танлаш ва лавозимларга тайинлашдаги зарур бўлган кўникмаларни мустаҳкамлаш;

- халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, илмий-тадқиқот жараёнларини ривожлантириш ва натижадорлигини таъминлаш;

- олий таълим муассасасини босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтиш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган кўникмаларини шакллантириш чоралари кўрилсин.



**Мазкур топшириқлар ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишига масъул этиб – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Қосимов белгилансин.**

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов) амалий семинар натижалари бўйича Ўзбекистон Миллий университети тажрибасидан келиб чиқиб, ректорлар томонидан жорий йилнинг ҳамда янги ўқув йилининг охирига қадар аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг намунавий кўрсаткичларига эришиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”)ни ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Махмудов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев):

жойларда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳолатлар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан кенг жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш амалиётини давом эттирилишини назоратга олсин;

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш ва натижаларини муҳокама қилиш режа-графикда белгиланган саналарда намойиш этиш учун тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари тўғрисидаги видеоларларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин.

**Мазкур топшириқ ижросини тўлиқ ва сифатли бажарилишига масъул этиб – Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф.Махмудов белгилансин.**

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Абдурахимов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Фанлар академияси (Йўлдошев) **икки ҳафта муддатда** Тошкент вилояти, Улуғбек посёлкасида Олимлар шаҳарчасини ташкил этиш, мазкур шаҳарчага кўчирилиши режалаштирилаётган илмий-тадқиқот муассасалари учун тегишли бино ва иншоотларни қуриш, зарур инфратузилмани шакллантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар киритсин.

7. Бош вазир ўринбосари Э.Ганиев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шадманов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (Кариев), Инновацион ривожланиш вазирлиги (Абдурахмонов) **бир ҳафта муддатда** Тошкент вилояти, Улуғбек посёлкасида барпо этилиши режалаштирилаётган Олимлар шаҳарчаси ҳудудида замонавий инновацион фармацевтика технопаркини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

8. Мазкур мажлис баёни билан белгиланган топшириқлар ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ўтказилган,  
олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда  
оммавий ахборот воситаларида танқидий муҳокама қилишга бағишланган мажлис баёнига  
1-илова

**Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини танқидий кўриб чиқиш  
ва натижаларини муҳокама қилиш**

**РЕЖА-ГРАФИГИ**

Т/р	ОТМ/ИТИ	июнь							июль																
		20	24	25	26	27	28	29	1	2	3	4	5	6	8	9	10	11	12	13	15	16	17	18	
1.	Тошкент тиббиёт академияси	■																							
2.	Тошкент давлат стоматология институти	■																							
3.	Тошкент тиббиёт педиатрия институти	■																							
4.	Тошкент давлат педагогика университети		■																						
5.	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти		■																						
6.	Ядро физикаси институти			■																					
7.	Астрономия институти			■																					
8.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети				■																				
9.	Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети				■																				
10.	Тошкент давлат шарқшунослик институти				■																				
11.	Математика институти					■																			
12.	Физика-техника институти					■																			
13.	Материалшунослик институти					■																			
14.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети						■																		
15.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети							■																	
16.	Тошкент молия институти								■																
17.	Ион-плазма ва лазер технологиялари институти									■															
18.	Конструкторлик бюроси ва тажриба ишлаб чиқаришга эга бўлган илмий-техник марказ										■														
19.	Тошкент давлат юридик университети											■													
20.	Ўзбекистон халқаро ислом академияси												■												
21.	Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти													■											
22.	Сейсмология институти														■										
23.	Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти															■									
24.	Тошкент кимё-технология институти																■								
25.	Тошкент фармацевтика институти																	■							
26.	Биоорганик кимё институти																		■						
27.	Умумий ва ноорганик кимё институти																			■					
28.	Тошкент ахборот технологиялари университети																				■				













Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрациясида  
ўтказилган, олий таълим ва илм-фан  
соҳасида амалга оширилаётган  
ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда  
оммавий ахборот воситаларида  
танқидий муҳокама қилишга  
бағишланган мажлис баёнига  
2-илова

**Олий таълим муассасалари томонидан янги 2019/2020 ўқув йили давомида  
эришилиши лозим бўладиган аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг  
НАМУНАВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**1. Таълим сифатини ошириш бўйича:**

хорижий ҳамкор университетлар билан мутахассислик фанлари бўйича онлайн машғулот (вебинар)лар, қўшма таълим дастурлари, мазкур университетларда докторлик диссертация ҳимоя қиладиганлар, жалб этилган хорижий профессор-ўқитувчилар, иш берувчилар иштирокида ташкил этилган лабораториялар, илмий-тадқиқот ишларида иштирок этаётган талабалар кўлами ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини ошириш, ва бошқ.

**2. Ректорларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш ҳамда олий таълим жамоаси ва кадр истеъмолчилари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича:**

5 та ташаббус доирасидаги вазифаларни амалга оширишда ОТМ ижтимоий масъулиятини ошириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари кесимида битирувчи курс талабаларини бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташи ва ўриндошлик асосида меҳнат қилишини таъминлаш, ректорларнинг олий таълим муассасалари талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари билан мунтазам учрашувларини ўтказиш, ва бошқ.

**3. Илмий-тадқиқот ишлари натижадорлиги бўйича:**

илмий салоҳият, илмий-тадқиқот ишлари натижадорлиги асосида нобюджет маблағлар тушуми, халқаро илмий журналлардаги мақолалар, илмий конференция ва семинарлар сонини ошириш ва бошқ.

**4. Халқаро ҳамкорлик ишлари бўйича:**

халқаро лойиҳалар ва инвестициялар ҳажмини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака ошириши, талабаларнинг алмашинув дастурларидаги иштирокини кўпайтириш, халқаро ёзги мактабларни ўтказиш, Webometrics ва QS халқаро рейтингларида олий таълим муассасасининг муносиб ўрнини таъминлаш, ва бошқ.

*Изоҳ: олий таълим муассасалари проректорлари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиқиб тегишли кўрсаткичларни белгилайдилар.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрациясида  
ўтказилган, олий таълим ва илм-фан  
соҳасида амалга ошириладиган  
ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда  
оммавий ахборот воситаларида  
танкидий муҳокама қилишга  
бағишланган мажлис баёнига  
3-илова

## **Илмий-тадқиқот муассасалари томонидан 2019 йил якунлари бўйича эришилиши лозим бўладиган аниқ натижадорлик ва самарадорликнинг НАМУНАВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

### **1. Илмий салоҳиятни ошириш бўйича:**

ҳар бир илмий муассаса томонидан тайёрланган фан доктори ёки Фалсафа докторлари, ходимлар томонидан олинган илмий унвонлар, ёшларни илм-фанга жалб қилиш кўлами, илмий ходимларни ёшартириш, илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар очиш, устувор йўналишларга асосланган замонавий илмий лабораториялар ва алоҳида илмий журнал ташкил этиш, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан интеграцияни янада мустаҳкамлаш, ва бошқ.

### **2. Илмий-тадқиқот ишлари натижадорлиги бўйича:**

бажариладиган илмий-техник лойиҳаларнинг сифати ва молиявий ҳажмини кўпайтириш, хорижий ва маҳаллий нашрлар ҳамда интеллектуал мулк объектлари сонини ошириш, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини конференцияларда эълон қилиш, нуфузли илмий танловларда иштирок этиш, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар сонини кўпайтириб бориш, ва бошқ.

### **3. Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш бўйича:**

янги инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, корхоналар ва ташкилотларда илмий ҳажмдор ишланмаларни сериялаб ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш, маҳсулот, жараён, маркетинг ва ташкилий инновациялар асосида тижоратлаштириш кўламини кенгайтириш, ва бошқ.

### **4. Илмий-тадқиқот ишларини халқаро миқёсда тан олинishi бўйича:**

халқаро илмий марказлар билан алоқаларни ривожлантириш, олинган илмий натижаларни халқаро даражага олиб чиқиш, дунёда биринчи бўлиб яратилган натижалар сонини кўпайтириш, илмий ишланмаларнинг халқаро брэндларни яратиш, халқаро илмий маълумотлар базаларига уланиш ва уларга республикадаги илмий журналларни киритиб боришни таъминлаш, ва бошқ.

*Изоҳ: илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг ўринбосарлари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиқиб тегишли кўрсаткичларни белгилайдилар.*



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ўтказилган,  
олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда  
оммавий ахборот воситаларида танқидий муҳокама қилишга бағишланган мажлис баёнига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ректорларининг малакасини ошириш бўйича амалий семинар  
ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Т/р	Мавзу	Маърузачи	Умумий ўқув юкламаси	Шу жумладан:	
				Интерфаол маъруза	Кворкинг ва таклифларни ишлаб чиқиш
1.	Олий таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва олий таълим муассасаларининг стратегик вазифалари, олий таълим сифатини ошириш ҳамда унинг халқаро миқёсдаги ижобий имиджини шакллантириш масалалари	<b>Абдувахитов А.А.</b> – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси	2	2	-
2.	Тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, талабаларга маънавий-маърифий ва юксак ахлоқий фазилатларни сингдириш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун шароитлар яратиш	<b>Куранбаев Қ.К.</b> – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари	4	2	2
3.	Минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда талабалар амалиётини ташкил этиш	<b>Маджидов И.У.</b> – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири <b>Марахимов А.Р.</b> – М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ректори	4	2	2
4.	Таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш		4	2	2

	методларини жорий этишнинг халқаро амалиётига мувофик таълим жараёнини ташкил этишни режалаштириш, сифатини ошириш ва такомиллаштириш				
5.	Факультетлар, кафедралар ва профессор-ўқитувчилари таркибини танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг педагогик маҳорати ва касбий даражасини ошириш	<b>Шарипов К.А.</b> – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари	4	2	2
6.	Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни, университет тадқиқотларини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва академик илм-фан билан интеграциясини ривожлантириш, ўқитувчилар илмий ишларининг натижавийлигини таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш	<b>Ражаббаев Ш.Р.</b> – Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари	4	2	2
7.	Таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг Ягона ахборот маконини яратиш ва ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш	<b>Бегимкулов У.Ш.</b> – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари	4	2	2
8.	Халқаро ҳамкорликни, етакчи чет эл университетлари билан алоқаларни ривожлантириш, хорижий мутахассис ва ўқитувчиларни таълим фаолиятига жалб этиш	<b>Бемурадов А.Ш.</b> – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” дамғармаси директори в.б.	4	2	2
9.	Ўқув ва илмий лаборатория базаларини модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, спорт-соғломлаштириш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш	<b>Бузрукханов С.</b> – Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари,	4	2	2
10.	Университет фаолиятини самарали молиялаштириш, харажатларни оптималлаштириш ва ўзини-ўзи молиялаштиришга босқичма-босқич ўтиш	<b>Юнусов М.</b> – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари	4	2	2

**Изоҳ:**

1. Ўқув машғулотлари олий таълим муассасалари йўналишлари кесимида шакллантирилган гуруҳлар учун алоҳида-алоҳида олиб борилади.
2. Ўқув машғулотлари якунида ҳар бир ректор ўзи раҳбарлик қилаётган олий таълим муассасасининг 2019-2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тақдимотини ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ўтказилган,  
олий таълим ва илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳолатини ўрганиш ҳамда  
оммавий ахборот воситаларида танқидий муҳокама қилишга бағишланган мажлис баёнига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ректорларининг  
малакасини ошириш бўйича амалий семинарларнинг  
РЕЖА-ГРАФИГИ**

<b>Олий таълим муассасалари</b>	<b>24.06-29.06</b>	<b>01.07-06.07</b>	<b>08.07-13.07</b>	<b>15.07-20.07</b>
Ижтимоий-иқтисодиёт ва хизматлар соҳасидаги олий таълим муассасалари (27 та)				
Муҳандислик-техника соҳасидаги олий таълим муассасалари (26 та)				
Педагогика соҳасидаги олий таълим муассасалари (9 та)				
Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари (9 та)				
Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги олий таълим муассасалари (11 та)				
Маданият ва санъат соҳасидаги олий таълим муассасалари (6 та)				